



ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНИШИ ДАВР ТАЛАБИ

Ишанходжаева Дилдора Александровна,

Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириши институти

Тадқиқот, инновациялар ва халқаро алоқалар директори

E-mail: dishankhodjaeva@mdis.uz

ORCID: 0000-0002-3997-7412

THE DEVELOPMENT OF THE TOURISM FIELD IS THE NEED OF THE TIME

Ishanxodjayeva Dildora Aleksandrovna,

Singapore Management Development Institute in Tashkent

Director of Research, Innovations and International Relations

E-mail: dishankhodjaeva@mdis.uz

ORCID: 0000-0002-3997-7412

JEL Classification: P48, Z30

Аннотация. Уйбұрул илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириши зарурати танқидий күриб чықылған, уни долзарб ижтимоий әхтиёж сифатыда белгилаб беради. Ижтимоий күрсаткичларга әзтибор қаратылаётган тадқиқотта мамлакаттамиз туризм соҳасининг бугунги ҳолати атрофлича таҳлил қилиниб, унинг ижтимоий-иктисодий юксалиши имкониятларига алоҳида әзтибор қаратылған. Тадқиқот туризмни ривожлантиришининг мураккабликларини ўрганади, иши ўринлари яратиш, жамоатчилукни жалб қилиши ва маданиятни сақлаши каби асосий ижтимоий күрсаткичларни ўрганади. Мақолада хорижий тажрибаларга таянған ҳолда, Ўзбекистоннинг туризм секторини ривожлантириши стратегияларини маълум қилиши учун бошқа мамлакатларнинг мувваффақиятли моделлари ўрганилади. Бу эса туризмни ривожлантиришини жасамият фаровонлиги билан уйғунлаштиришига хос бўлган

муаммолар ва имкониятлар тўғрисида нозик нуқтаи назарга ёрдам беради. Ижтимоий кўрсаткичлар ва илгор хорижий тажрибалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиб, мақола Ўзбекистонни гуллаб-яшинаётган ва ижтимоий маъсулиятли туризм йўналишига айлантира оладиган сиёсат ва ташаббусларни шакллантириши учун муҳим тушунчаларни тақдим этади.

Abstract. This scientific article critically examines the need to develop tourism in the Republic of Uzbekistan and identifies it as an urgent social need. In the study focusing on social indicators, the current state of the tourism sector of our country is analyzed in detail, and special attention is paid to its socio-economic growth opportunities. The study explores the complexities of tourism development, exploring key social indicators such as job creation, community engagement and cultural preservation. Based on foreign experiences, the article examines successful models of other countries to inform strategies for the development of

Uzbekistan's tourism sector. This provides a nuanced view of the challenges and opportunities inherent in aligning tourism development with community well-being. By exploring the interrelationship between social indicators and foreign best practices, the paper provides important insights for formulating policies and initiatives that can transform Uzbekistan into a thriving and socially responsible tourism destination.

Калим сўзлар: туризм, туристик хизматлар, ижтимоий кўрсаткичлар

Keywords: tourism, tourist services, social indicators

Кириш. Ҳозирги вақтда бутун дунёда, шунингдек Ўзбекистонда хам иқтисодиётнинг ноишлабчиқариш, хусусан туризм соҳасига эътибор тобора кучайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда инсонлар бўш вақтларини самарали ўтказиб, дам олишга, соғлигини тиклашга, дунёни, халқларнинг урфодатлари, қадриятларини билишга интилмоқдалар. Бундай хизматларни туризм соҳаси кўрсатади. Инсоният ҳар доим ўзининг ҳаракат доирасини ўзгаририб, янги ерларни кашф қилишга интилган. XX асрга келиб бундай интилишлар кучайди ва туризм индустрисининг ривожланишига туртки бўлди. Айрим мамлакатларда туризм соҳаси жуда хам барқарор ривожланиб бормоқда ва уларнинг ҳар йиллик ўсиш суръати 8%-10% гача боради. Бу эса туризм соҳасининг қанчалик даражада мамлакатлар иқтисодиёти тизимида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Шуниси қизиқки, туризм ривожланиши натижасида транспорт, бозор инфратузилмаси, савдо-сотик, озиқ-овқат тармоқлари, қурилиш, ҳунармандчилик ва бошқа хизмат

кўрсатиш тармоқлари ҳам ривожланиб боради.

Туризм туристларга хизмат кўрсатишга алоқадор бўлган тармоқларни қамраб оловчи ўзига хос дам олиш саноати ҳисобланади. Туризм соҳасидаги ҳамкорлик хўжалик жамоат ишлаб чиқаришга ахолининг банд бўлмаган ёки қисман банд бўлган қатламларини жалб қилиб, меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва оқилона фойдаланиш муаммосини ҳал қилишга ёрдам беради. Бу айниқса саноати яхши ривожланмаган минтақалар учун муҳимдир. Туризм соҳасидаги ҳамкорлик иқтисодий имкониятлари нисбатан юқори эмаслиги билан фарқланувчи айрим минтақаларни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Туризм бу минтақаларда ишга оид фаолликка ёрдам беради, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли ахолини жалб қиласи, меҳнатни татбиқ қилиш соҳасини кенгайтиради. Туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш иқтисодиётнинг ривожланишини фаоллаштиради, минтақавий ресурслардан самарали фойдаланишга ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг малакасини оширишга ёрдам беради. Туристик тармоқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ривожлантиришни жадаллаштириш ва уни яхшилашга ёрдам беради.

Материал ва метод. Илмий ва бир қатор иқтисодий адабиётларда туризм соҳасининг ижтимоий-иктисодий мөхиятини категория сифатида ёритища турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш


йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 10-июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 433-сон Қарорига асосан туризм соҳаси кенг камровли хизматларни ўз ичига олди. Бизнинг фикримизча, туризм соҳасининг кенг камровли бўлишига туристик хизматларни бошқаришда алоҳида ёндашувни талаб қиласи.

Туризм соҳасининг инновацион фаоллигини тавсифлайдиган умумий кўрсаткич сифатида инновацион рақобатбардошлик хизмат қилади. Чунки, “инновация” ва “рақобат” ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Рақобатсиз бозор усулида муваффақият билан хўжалик юритишнинг имкони йўқ, рақобат эса ўз навбатида инновацияларсиз юзага келолмайди. Шунинг учун, агар М.Портер инновацияларни рақобат кучларини шакллантирувчи восита деб тавсифланган бўлса, Р.Доул инновацияларни глобал рақобатнинг қуроли деб атаган¹.

Мақолада Туризм соҳасининг
иљмий-назарий асослари, статистик
кузатув, индукция ва дедукция, иљмий

абстракциялаш каби усуллардан
фойдаланилган.

Натижа. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви кучайиб бораётган шароитда туризм соҳасини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш асносида уни иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш ва барқарорлаштиришга эришиш миссиясини шакллантириш имкони пайдо бўлади. Чунки, туризм - барқарор ривожланишининг ижтимоий (турмуш сифати), иқтисодий (рақобатбардошлиги) ва табиий (атроф-мухит тозалиги) таркибий қисмларини ўзига мужассамлаштира оладиган ўзига хос соҳа ҳисобланади (1-расм).



Туризмнинг барқарор ривожланиши

1-расм. Туризмнинг барқарор ривожланиш белгилари²

¹Doyle P. Marketing management and strategy.– London: Prentice-Hall Europe, 1999.–559 p.

² Манба: З-расм Б.Н.Навруз-Зода ишланмаси

1-расмдан кўриниб турибдики, туризмнинг барқарор ривожланиши иқтисодиётнинг рақобат устунилигини кучайтиришни таъминлайди. Бу вазифа рақобатбардош туристик худуд ва кластерларни шакллантириш асосида туристлар оқимини кўпайтириш эвазига мамлакат бюджетига валюта тушумининг кўпайиши ҳамда туризм соҳаси ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларда ишлайдиган фуқароларнинг даромадларини орттириш натижасида амалга оширилади. Айниқса, туризм соҳаси транспорт, умум овқатланиш, савдо, соғлиқни сақлаш, саноат, қишлоқ хўжалиги, спорт, маданият, таълим, ички ишлар ва бошқа тармоқлар билан чамбарчас боғлиқлиги туфайли, маҳаллий аҳолининг иш билан бандлигини оширишни таъминлайди. Шунингдек, туризмнинг ривожланиши ва сайёҳлар оқимининг кескин кўпайиши туристик худуд ва кластерларнинг атроф-мухитнинг ифлосланмаслиги ва табиий ресурслардан, ҳордиқ чиқариш ва согломлаштириш мақсадида, оқилона фойдаланилган ҳолдагина мазкур соҳа барқарор ривожланишга эришади. Туризм барқарор ривожланишининг ўзига хос ҳусусияти ва унинг оммавий туризм моделидан фарқи шундаки, барқарор туризмдан олинадиган фойданинг бир қисми ижтимоийиқтисодий хизматларни такомиллаштириш ва унинг хом ашё базасини тиклашга йўналтирилганида намоён бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

Барқарор ва оммавий (анъанавий) туризм ўртасидаги тафовутлар³

Таққослаш омиллари	Барқарор туризм	Оммавий (анъанавий) туризм
Туристларни жалб этиш	Сайёҳлик хизматларини кўрсатиш ҳажми худуднинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик салоҳиятига мос келади, бу туристик фаолиятнинг ҳусусиятларини белгилайди	Туристик фаолият сайёҳлар оқимини ҳамма вақт кўпайтиришга йўналтирилган. Сайёҳлик хизматларини кўрсатиш ҳажми факат моддий-техник базанинг сигимидан боғлиқ ҳолда чекланади
Туристларнинг хулқ-атвори	Ташриф буюрувчилар сайёҳат вақтида туристик худудидаги маданиятга мувофиқ хулқ атворнинг муайян моделига риоя қилишлари даркор. Туристларнинг ташрифи маҳаллий аҳолининг урф-одат ва анъаналарига, табиий ресурсларга зарар етказмайди	Ташриф буюрувчилар дам олиш худудига ўз турмуш тарзини олиб келадилар
Табиатга муносабат	Ташриф буюрувчилар учун табиий обьектларнинг истеъмол қиймати эмас, балки уларнинг мавжудлиги жуда муҳим	Табиий обьектларга ташриф буюрувчиларнинг истеъмолчилик муносабати устун туради. Табиий обьектлар одамларга фойдали

³ Новиков В.С. Инновации в туризме. М.: ИЦ "Академия", 2007. - 358 с.

		эканини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади
Маҳаллий аҳоли ва ташриф буюрувчилар ўртасидаги муносабатлар	Дўстона, хурматли муносабатлар, унинг мақсади янги маданиятни ўрганишдир	Расмий муносабатлар. Ташриф буюрувчилар ўзларини маҳаллий аҳоли томонидан хизмат кўрсатиши шарт бўлган хўжайинлар деб ҳисоблайдилар

Мунозара. Иқтисодиётнинг стратегик сектори сифатида туризм барқарор ривожланишининг қуидаги учта йўлларини ажратиш мумкин:

1.Туристик хизматлар бозорини тўйинмаган ва кескин рақобат мавжуд бўлмаган шароитда туристик ҳудуд ва кластерлари майдонини кенгайтириш, қўшимча ишчиларни жалб этиш, туристик маҳсулотлар ҳажми ва сервис хизматлари кўламини ошириш билан боғлиқ бўлган экстенсив ривожланиш йўли. Бу йўл туристик ресурсларнинг миқдор жиҳатидан кўпайиши туристик маҳсулот ҳажми ҳамда сервис кўламиининг ошишига мос мутаносиблиқда содир бўлганлиги сабабли туризм тадбиркорлигининг самарадорлиги деярли ўзгартирмасдан колади.

2.Туристик маҳсулот ва сервис ҳажмини сайёҳлик ресурсларидан самарали фойдаланиш, ходимларнинг малакасини ошириш, хизмат кўрсатиши шакл ва усувларини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри ва хорижий инвестицияларни киритиб, ўзлаштириш, давлат томонидан туристик фаолиятни

кўллаб-куватлаш, туризм соҳасидаги асосий воситаларни реконструкциялаш, туризм соҳасида менежмент ва маркетинг тизимини кўллаш, иқтисодиётни модернизациялаш билан боғлиқ бўлган интенсив ривожланиш йўли. Бу йўл туристик маҳсулот ва хизматларининг таннархини пасайтириш, сифатни яхшилаш ҳамда туристик маҳсулот ва хизматларнинг рақобат устунлиги ва соҳада меҳнат унумдорлигини оширишини таъминлайди.

3.Туризм тадбиркорлиги фаолияти самарадорлигини кескин ошириш ва инсон капиталини кучайтиришга йўналтирилган, янгиликларни туризм соҳасига жорий этиш ва оммалаштириш билан боғлиқ бўлган инновацион ривожланиш йўли. Ривожланишининг бу йўлида синергетик самара (тизимли самара ҳисобидан алоҳида қисмларнинг ягона тизимга қўшилиши, интеграцияси натижасида фаолият самарадорлигининг ошиши)га эришилади ва туризмнинг инновацион рақобатбардошлигини кескин оширишига олиб келади.

Хуласа. Маълумки, мамлакатга ташриф буюрадиган туристлар оддий таомдан бошлаб қимматбаҳо сувенирларгача бўлган маҳсулот ва хизматларнинг маълум миқдорига талаб билдиришади. Бу табиий равишда, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган кичик ва хусусий бизнес корхоналарига ўз имкониятларини янада кенгайтириш учун йўл очади. Фермерлар туристлар истиқомат қиласидаган меҳмонхоналарда тоза маҳсулотларни етиштириб туришади, тўқимачилик ва тикувчилик саноатида фаолият кўрсатадиган кичик ва хусусий корхоналар туристлар учун зарур бўлган ётоқхона жиҳозлари, ҳалатлар ва бошқа шу кабиларни ишлаб чиқишиади, косметика саноати корхоналари шампун, совун ва дезодорантларни ишлаб чиқаришади. Хунармандчилик устахоналари ва анъанавий миллий маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам туристлар учун буюртмалар тайёрлашади. Умуман олганда, ҳозирги кунда республика туризм саноатида хусусий туристик корхоналарнинг фаолият кўрсатиши сезиларли даражада эмас. Бунинг асосий сабаблари қуйида ўз ифодасини топган:

Биринчидан, республикада туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган айрим компанияларнинг монополлашганлик характеристига эга эканлиги. Маълум бир сабабларга кўра,

ушбу компаниялар таркибидағи объектларнинг хусусийлаштирилиш жараёни анча суст амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, янги ташкил қилинаётган кичик туристик фирмаларнинг айримлари ҳам йирик туристик компанияларда мавжуд имкониятларнинг кўпчилигига эга эмас;

Иккинчидан, туризм соҳасида юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги оқибатида янгидан-янги кичик туристик фирмаларнинг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши анча долзарб муаммога айланмоқда; Учинчидан, республика вилоятлари ва туманларининг кўпчилигига маҳаллий вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган амалдорларнинг туризмни иқтисодиётига қўшадиган ҳиссасини тўғри баҳолай олмаслиги натижасида ва уларнинг ишга эскича тафаккурда ёндашишлари туристик фирмаларнинг ташкил этилиши, шунингдек, туризм бозорига билвосита таъсир кўрсатадиган кичик ва хусусий бизнес билан шуғулланувчи туристик корхоналарнинг очилишига бепарволик билан қаралмоқда;

Тўртинчидан, янги ташкил этилган туристик фирмалар тор фаолият доираси билан чекланиб қолмоқда. Бундан ташқари улар “Ўзбектуризм” миллий компанияси учун анъанавий ҳисобланган айрим хизмат турларидан ташқарига ўтишмаяпти.



Бунинг натижасида, бу фирмаларнинг хорижий туристлар томонидан қизиқиш билан эътироф этилишига етарлича имкон яратилмаяпти

Агарда туристик фирмалар ноанъанавий хизмат турлари, масалан, мамлакатимизнинг гўзал ва сержило табиатига ўзаро ажойиб саёҳатларни уюштириш, туристлар учун маҳаллий қишлоқлар ва овулларда халқ миллий урф-одатлари билан таништириш экскурсияларини ташкил этиш,

шунингдек, туристлар учун миллий руҳдаги концерт ва томошаларни уюштириш каби хизмат турларини ташкил этишса улар ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари мумкин.

Бешинчидан, маҳаллий хунармандчилик маҳсулотларини, миллий руҳдаги кийим-кечакларни, миллий таомларни ва бошқа шу кабиларни ишлаб чиқариш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 558-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сонли “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5495-сон 2018 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.08.2018 й., 06/18/5495/1611-сон.
5. Александрова А.Ю. Международный туризм: учеб. пособие для вузов / А.Ю. Александрова. – М.: Аспект Пресс, 2001. – 464 с.
6. Биржаков М.Б.. Введение в туризм. Монография. С-Пб. “Герда”, 2004. - С 448.
7. Котлер Ф., Боуэн Д., Мейненз Д., Маркетинг гостеприимство туризм. Пер. с анг\под ред. Проф. Наздревой Р.Б., М., “Юнити” 1998. 257 с.



8. Новиков В.С. Иновации в туризме. М.:ИЦ "Академия",2007.- 358 с
9. Туристик худуд рақобатбардошлиги. Б.Н.Навруз-Зода тахрири остида. "Дурдона" нашриёти. Бухоро – 2017. 156 бет.
10. Алимова М.Т., Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида). 08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти (иктисодиёт фанлари). Докторлик диссертацияси автореферати. Самарқанд – 2017.